



«**Любовь к родине**» : «**Любовь к родине**») «**Любовь к родине**»).

Абу Талҳа розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ит ва сурат бор уйга фаришталар кирмайди», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху ривоят қилган муттафакун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни Аллоҳнинг хузурида энг қаттиқ азобланадиган одамлар сураткашлардир». дедилар.



Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Сурати бор бир (адёлга ўхшаш) чойшаб сотиб олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўргач, уйга кирмай эшик олдида туриб қолдилар, чехраларидан ёқтиргмаганларини сездим, кейин:

- Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ ва Расулига тавба қилдим, гуноҳим нима? – дедим.
- Бу чойшаб қаердан келди? – дедилар.
- Уни Сиз унга ўтирасиз ё ёнбошлайсиз деб олувдим, – дедим.
- Қиёматда бу сурат эгалари азобланади ва уларга: «Яратган нарсаларингизга жон баҳш этинглар, дейилади», дедилар ва: «Сурат бор уйга фаришталар кирмайди», дедилар.

Шарҳ:

Жони бор нарсаларни тасвирлаш гуноҳи кабиралардан. Сураткашлар тасвирлаган ҳар бир суратлари учун қиёмат куни қаттиқ азобга дучор бўлишади. Уларга: «Қани, энди яратган нарсаларингизни тирилтиинглар» дейилади. Сураткашликка рассомчилик, ҳайкалтарошлиқ, тўқувчилик билан ёки бошқа усулдаги тасвир билан сурат солган кишилар киради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Сурат солиш ҳаром бўлиб, гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.
2. Сурат бўлган уйга фаришталар кирмайди.
3. Қиёмат куни энг қаттиқ азобланадиган одамлар сураткашлардир.